


ISSN 2010-8419



FerDU.
ILMIY XABARLAR

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.
ФерГУ

6 / 2019

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК
ТАМОЙИЛЛАРИ
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ КУЛЬТУРЫ ЧТЕНИЯ
LINGUOCULTUROLOGICAL PRINCIPLES OF THE CULTURE OF READING

С.Мўминов, Ш.Мўминов

Аннотация

Мақолада китобхонликка бўлган эътибор, нуқтаи назар ва унинг мутолаа маданиятида тутган ўрни лингвокультурологик аспектда таҳлил этилган.

Аннотация

В статье в лингвокультурологическом аспекте проведен анализ внимания и точки зрения на проблемы отношения к культуре чтения, и ее места в культуре чтения.

Annotation

The article analyzes the linguoculturological aspect of analyses of the concentration and the attitude to the problems of culture of reading and its role.

Таянч сўз ва иборалар: китобхонлик, нуқтаи назар, муносабат, мутолаа маданияти, санъат, тараққиёт.

Ключевые слова и выражения: чтение книги, точка зрения, отношение, культура чтения, искусство, прогресс.

Keywords and expressions: book reading, point of view, attitude, culture of reading, art, progress.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январда чиқарган “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”, деб номланган Фармойишидан ва, айниқса, “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус”нинг тўртинчиси сифатида ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш белгилаб берилганидан кейин бутун мамлакатимизда китобга, китобхонликка, китоб тарғиботига, китобхонлик маданиятини оширишга бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам ортди. Мазкур мақолада Президентимизнинг бу тарихий Фармойиши ва бешта муҳим ташаббуснинг моҳиятини кенгроқ, чуқурроқ шарҳлаб беришга, мутолаа маданиятининг айрим қирраларини, жумладан, нуқтаи назар билан боғлиқ жиҳатларини лингвокультурологик жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ этишга қаратилган. Зеро, Президентимиз ўз нутқларида қайта-қайта таъкидлаётганларидек, “Ҳозирги пайтда ҳаммамизнинг олдимизда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси

турибди” [1,47].

Аввало “Китобхонлик – мутолаа нима учун керак?” деган саволга ойдинлик киритиб олишга тўғри келади. Чунки XX асрнинг машҳур адибларидан бири Герман Гессенинг фикрига қараганда, “Кўпчилик китоб ўқишни билмайди ва кўп кишилар нима учун ўқиётганини тузукроқ тушунмайди. Баъзилар буни ўқимишли бўлишнинг қийин, бироқ ягона йўли, деб билади” [3,18].

Халқаро Нобель мукофоти лауреати, мураккаб асарлари билан машҳур ёзувчи Жозе Самараго жамиятни азоблаётган ёвузликнинг ягона сабабчиси сўқирлик, яъни жаҳолат, деб билади ва барча асарларида, айниқса, ўз номи ўзи билан “Сўқирлик”, “Англаш” романларида лоқайдлик, ўқимишсизлик “меваси”га қарши исён кўтаради ва француз журналистларига берган бир галги интервьюсида жаҳолатга бефарқ қараб туриб бўлмаслигини, унга қарши “бўзлаш” – астойдил курашиш кераклигини таъкидлаб, шундай дейди: “...асар эпиграфини эслатиб қўйсам: “Кўппак увиллаш вақти етди дер”. Фикримча, бизлар учун ҳам бўзлаш вақти келди...” [7,4].

Дунё тафаккур оламининг машҳур вакиллари фикрларидан маълум бўлмоқдаки, одам фақат олий маълумот олиш учунгина эмас, умуман касби, лавозимидан қатъий назар жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши, ўзини ва бошқаларни англаши, қолаверса, ёвузликка йўл қўймаслиги учун ҳам китобхон

С.Мўминов – ФарДУ профессори, филология фанлари доктори.
Ш.Мўминов – ФарДУ магистранти.

бўлиши керак. Зеро, Ўзбекистон Кутубхоналар ассоциацияси раиси Абдусалом Умаровнинг фикрига қараганда, *“Инсон икки ўлчам – макон ва замонда чекланган бўлиб, ўзининг бутун тараққиёти давомида мазкур чекловларни енгиб ўтишга интилиб келган. Мана шу интилишнинг самараси ўлароқ ёзувлар, китоблар ва шу каби бошқа ахборот ташиш ва унга эга бўлиш билан боғлиқ билимлар тўпланиб, кишиларни мутолаа маданиятининг шаклланишига олиб келган”* [9,74].

Мана энди *“Мутолаа маданияти нима?; Нимани, қачон, қандай ўқиш керак?; Мутолаадан кўпроқ наф кўриш нималарга боғлиқ?”* кабилидаги саволларга ўтсак ҳам бўлади.

Аввало берилаётган саволларнинг ҳар бири алоҳида мавзу ва уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида мақолалар, китоблар ёзиш мумкинлигини эътироф этишимиз лозим. Шунинг учун биз ушбу мақоламизда катта мавзунинг фақат бир қирраси – мутолаа маданиятини эгаллаш, ундан кўпроқ наф кўришда нуқтаи назарнинг ўрни ҳақидаги фикрларимизни баён этиш билан чекланамиз.

Жиддийроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, бу чексиз оламдаги ҳамма нарса нуқтаи назар билан боғланади. Яъни, табиат ҳодисаларидан қандай таъсирланиш, жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга, атрофимиздаги одамларга муносабат билдириш ҳам бизнинг нуқтаи назаримизга боғлиқ. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг куйидаги байти шу ҳақда:

*Ул бировдирким, магар наздингда мор,
Лек бировнинг наздида шириннигор* [6,65].

Яъни, сенга илон бўлиб кўринадиган бирон киши бошқа бировнинг наздида балки хушсурат – шириннигордир. Бу байтнинг мазмуни бизга халқимизнинг *“Ҳар кимники ўзига, Ой кўринар кўзига”* мақолини эслатади.

Бу фикрларнинг ҳаммаси мутолаа маданиятига ҳам бевосита боғлиқдир. Чунки дунёга машҳур алломаларнинг куйидаги фикрлари бежиз айтилмаган: *“Саводсиз*

бўлсанг, бирор китобни очолмайсан”, *“Китоб дўкони сотувчиси билимдон бўлиши шунинг учун ҳам зарурки, у ўзига керакли ва биз илғамайдиган китобларга диққатимизни қарата олсин”* (Конфуций); *“Китоб ўқинг! У сизни фикрлашга ўргатади. Фикрлай олиш эса одамни бошқа жонзотлардан ажратиб турувчи асосий хислатдир”* (Жон-Пол Сартр) [4,4].

Машҳур Бразилия адиби Паоло Коэльонинг куйидаги фикрлари ҳам мавзумизга бевосита боғлиқдир: *“Ичингда гўзаллик борлиги учун сен гўзалликни кўра оласан. Дунё ойнага ўхшайди: унда ҳар ким ўзининг аксини кўради”* [2,15].

Ҳа, айнан нуқтаи назар билан боғлиқ ҳолда *“Иллат излаганга иллат, ғурбат излаганга ғурбат, ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё”* (Садриддин Салим Бухорий) ва оламга қандай нигоҳ билан боқсак, у ҳам бизга шундай жавоб қайтаради: *“Қандай кўзла боқса одам оламга, шундай жавоб айлар олам одамга”* (Улуғбек Ҳамдам). Донишманд адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг бу ҳақдаги фикрлари шундай: *“Бухорои шарифнинг ҳар бир ғишти илм, ҳар бир тоши ҳикмат. Аммо хазинага кирган мушук зарга қарамайди – сичқон овлайди”, “Яхшининг юзида зулук ҳам ҳол бўлиб кўринади”, “Товуқнинг тушига дон киради”* [10,18-45].

Буюк мутафаккир бобокалонимиз Алишер Навоийнинг *“Мен дунёдаги барча илмларни эгалладим, бу ишда менинг ўқитувчим ҳар соҳадаги жоҳиллар бўлди”* мазмунидаги куйидаги байти ҳам шу ҳақда:

*Жаҳон илмики, букун менга ёд эрур,
Анга барча жаҳл аҳли устод эрур* [5,61].

Келтирилган фикрлардан маълум бўлмоқдаки, китоб мутолааси ҳам нуқтаи назар билан бевосита боғлиқдир. Яъни, ҳар бир китоб китобхон муносабати, савиясига яраша унга ўз қалбини очади. Шундай экан, *“Мутолаа жараёнларини оптималлаштириш ҳар қандай жамиятнинг умумий тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланиш пойдевори вазифасини ўтайди”* [8.3].

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Аҳмедов Б. Сайёҳ. – Бишкек, 2019.
3. Гессе Г. Мутолаа сирлари // “Фан ва турмуш”, 1992, № 3-4.
4. “Ma’rifat” газетаси, 2017 йил 11 март.
5. Навоий А. Ҳикматлар. – Т.: Шарқ, 2006.
6. Румий Ж. Ҳикматлар. – Т.: Шарқ, 2006.
7. Самарано Ж. Ёвузлик сабабчиси – сўқирликдир! // “Kitob dunyosi”, 2018 йил 27 июнь.
8. Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт. – Т.: Фан, 2004.
9. Умаров А. Мутолаа маданияти // “Ҳаёт ва қонун”, 2004, № 6.
10. Қаҳҳор А. Ҳикматлар. – Т.: Ўзбекистон, 1990.

А.Бердиалиев, М.Зокиров Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик тиллари контактига алоқаси	88
Ш.Турдиматова Функционимлар ва уларнинг тил луғат таркибининг макроқурилмалар тизимига мансуб ҳодисалар билан ўзаро муносабати ҳақида	92
М.Эргашев Инглиз ва ўзбек тилларида "феълли боғланиш" лисоний категория сифатида	98
Х.Исмоилов Суд нутқининг социолингвистик таҳлилига доир	101

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева Биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масала	105
М.Ахмедов, Х.Далиев, М.Онаркулов (VIXSB1-X) 2TE3 поликристалл тензосезгир пленкаларнинг электронографик таҳлили	109
М.Хакимов, М.Маматкулов Табий шарбат олиш учун мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган ШҚМ-18 қурилманинг амалдаги намунасини ишлаб чиқиш	112
М.Холиков Паразитизмнинг пайдо бўлиши ва оқибатлари	114
Ф.Адилов Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари (кино ва театр соҳаси мисолида)	116
Т.Тургунбаев Кимёвий қуролларнинг яратилиш тарихи, жанговар қўлланилиш тавсифи ва уларнинг инсон организмига таъсири	119
Э.Тажимирзаев Фарғона водийси қишлоқларидаги маданий муассасалар фаолияти тарихидан (кино санъати мисолида)	123
Р.Аҳмедова Фарғона физиотерапия институтининг ташкил топиш ва фаолияти тарихидан (1923-1950 йиллар) ..	126
В.Ишқуватов Ўзбекистонда маҳалланинг моҳияти ва ўзига хослиги	129
К.Пулатов XX аср 50-йиллар охири 60-йиллар бошида Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаёт (Фарғона водийси мисолида)	132
С.Мўминов, Ш.Мўминов Мутолаа маданиятининг лингвокультурологик тамойиллари	135
Б.Жўраева «Қорамол» ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг услубий хусусиятлари	137
М.Назирқулова 9-синфда Фурқатнинг "Фасли навбахор ўлди" ғазали матни устида ишлаш	140
М.Саидакбарова Қиссадан ҳиссанинг ғоявий-фалсафий функциялари	144
М.Дехқонова Наим Каримов ижодининг ойбекшунослик тараққиётидаги ўрни	147
Ф.Анварова Бошланғич синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш орқали ўқитиш бўйича айрим тавсиялар	151
И.Қирғизов, Ғ.Нажметдинов, А.Исмоилов Муסיқий таълимда аждодлар меросидан фойдаланиш амалиёти	154
Ф.Эркабаева Замонавий маҳобатли рангасвир санъатида мусаввир ижодининг нафис чизгилари	156
А.Хасанов Ҳарбий таълим факультети талабаларининг ўқув йиғинлари даврида жисмоний машқлар билан шуғулланиш шакллари ҳамда воситаларини аниқлаш	159

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Аҳмаджон Қўшақович Ўринов	163
Библиография	166

БИБЛИОГРАФИЯ